



ИСЛОҲОТ — АВВАЛО ОДАМЛАР ОНГИДАГИ ЎЗГАРИШДИР

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 25 октябрь куни халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Сессия ишида шу вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туманлар ҳокимлари, бир қанча вазирлик, қўмита, уюшма, концерн, корпорация, идора ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов нутқ сузлади.

Юртбошимиз мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган ишлар, ислохотларнинг бориши, жумладан, Жиззах вилояти меҳнат-қашлари эришган ютуқлар, айни чоғда йул қуйилган камчиликлар, улар олдига турган долзарб вазифалар ҳақида батафсил гапирди. Вилоятнинг бутунги аҳолини чуқур таҳлил этди.

Мустақил мамлакатимизда булган ишлар ва тарихий воқеалардан барчангиз хабардорсиз. Юртимизда тарих қисқа муддатларда оламшумул ўзгаришлар бўлган, Ватанимиз жаҳон ҳамкамиятида узига мос ва узига хос урнини эгаллаб олиб, обрў-эътибори усаётгани ҳам ҳаммамийни кувонтиради, деди Президент.

Мамлакатимиз ислохотларнинг дастлабки, энг қийин, энг оғир босқичини енгиб ўтди, тараққий ва ривожланиш йулдан собитқадамлик билан бормоқда.

Маънавий ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар, бой тарихий ва маданий меросимизнинг тикланиши, улуг аждоғларимизга адолатли баҳо берилиши халқимизни катта бунёдкорликларга даъват этмоқда. Рухига руҳ қушмоқда. Соҳибқирон Амир Темури юбилеи чин маънода узинимизни намоён этиш, давлатимиз кудрати ва халқимиз шижоатини кўрсатиш имконини берди.

Меҳнатқаш, мард ва фидойи халқимизнинг она юрт келажаги, унинг истиқболи йулда қилаётган шижоатли

меҳнати, ҳамжиҳатлиги, мамлакат оқибатининг барқарорлиги дастлабки ютуқларимизнинг энг асосий омил бўлди.

Жамиятда таркиб топаётган янги муносабатлар асосида иқтисодиётимизнинг барқарорлашувида ва унинг бозор муносабатларига ўтишида Жиззах вилоятининг ҳам катта ҳиссаси, муносиб ўрни бор, деб таъкиллади юртбошимиз.

Жиззах икки минг йилдан кунроқ тарихга ва гузал табиятга эга булган қадимий мақан. Жиззах вилояти ўз табиатининг хилма-хиллиги билан бошқа вилоятлардан фарқ қилади. Бу диярда бамисоли Ўзбекистоннинг гузал табияти муҳассаллашган.

Ўзбек халқининг қул-қул асл фарзандлари мана шу заминда тарбия топган, ўз фидойилиги билан эл-юртимизнинг обрўсига обрў, салохиятига салохият қўшган, тарихда ўзларининг пок номларини қолдирган. Жиззах вилояти халқимизнинг буюк давлат арбоби Шароф Рашидовни вонга етказган юрт эканини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Жиззах чуқини улаштириш ўз даврида халқимиз қаҳрамонлигининг рамзига айланган эди, деҳқончиликка эса ўз технологиясига эга булган воҳа сифатида майдонга чиққан эди.

Жиззах воҳаси ҳақида, унинг гузаллиги ва бетакорлиги ҳақида, шу юртда яшаётган аҳоли муносиб турмуш шароити яратилиши тўғрисида маълумотларни қўриқиб, улар боқимадалик қайғиришдан ҳоли бўлмаганлар.

Пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва пировард натижалардан меҳнатқашларнинг манфаатдорлигини ошириш чора-тадбирларини кура олмаганлар.

тор ибратли ишларни амалга ошириб келган.

Кейинги 2-3 йил ичида паҳар ва туманларда обдонлаштириш, айниқса, Жиззах шаҳри қиёфасини миллий услубда бойитиш, бозорлар қуриш каби ишларга сезиларли эътибор берилганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ана шу давр ичида 57 фоиздан 75 фоизга, табиий газ таъминоти эса 48 фоиздан 70 фоизга устан.

Яна бир бор таъкилламоқчи: ман охири йилларда эришилган ютуқлар оз эмас. Лекин, минг афсуски, бутунги учрашувимизда, авваламбор, вилоятда мажбул булган муаммолар, вилоятнинг иқтисоди ва ривожига таъсир қилишга қўл-қўли ҳақида гапирилган мажбуриятми, деди Президент.

Вилоятда ислохотларни амалга ошириш, бутун имкониятларни ва авваламбор меҳнатқашларимизнинг кучини долзарб мисолларига жабл қилиш, етилмаган муаммоларнинг ҳал этиш мақсадларида, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ҳамон пастлигича қолмоқда.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга раҳбарлик бўлиштириб юборилган. Туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарларининг қишлоқларда ислохотларни амалга ошириш, иш услубини тубдан ўзгартириш, янги агротехника қондаларини жорий қилишга талбиркорлиги ва ташкилотчилиги сезилмапти, улар боқимадалик қайғиришдан ҳоли бўлмаганлар.

Пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва пировард натижалардан меҳнатқашларнинг манфаатдорлигини ошириш чора-тадбирларини кура олмаганлар.

Ҳозирги кунда вилоятда ислохот қилаётган 905 миң аҳолининг 618 миң нафари қишлоқда яшайди. Аҳоли асосий қисмининг турмуши қишлоқ хўжалигидан келадиган даромадга боғлиқ.

Вилоятда 1995 йилда ишлаб чиқарилган 18 миллиард сумлик ялпи маҳсулотнинг 61 фоиз қишлоқ хўжалигига тўғри келади.

Шундан, авваламбор, қандай хулоса, керак булса — қандай сабоқ чиқаришимиз зарур?

Биринчи ва асосий хулоса — қишлоқ аҳолисининг устини бут, қорини тўқ қилиш учун ердан унумли фойдаланиб, кўп-кўп маҳсулот ишлаб чиқариш чораларини кўриш керак.

Лекин кейинги йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда орқага кетиш кузатилмақда. **Етакчи тармоқ ҳисобланган пахта етиштирилган ишлар мутлақо қонқаран эмас.** Белгиланган режалар сурналарида 4 йилдан беш бажарилмай келмоқда. Ҳозирги кундаги ҳолат бу йил ҳам пахтачиликда дурустроқ натижага эришиш мўшкул эканлигини кўрсатиб турибди.

Уттан йилнинг якунини 1991 йилда нисбатан солиштирилган булсақ, вилоятда 100 миң тоннадан ортиқроқ пахта кам етиштирилган. Бу асосан ҳосилдорлигининг пасайиши ҳисобига камайган. Кейинги тўрт йил ичида вилоят бўйича ҳосилдорлик 24 центнердан 17,6 центнерга тушиб кетди.

Деҳқончиликда ном чиқарган Дуслук, Мирзачул туманларида ҳосилдорлик 21 центнерга тушиб кетганини, Арнасой туманида уттан йили 10, Зоминда 13 центнердан ҳосил олинадиганининг сабабини ким тушунириб бера олади?

Уттан йили хўжалиқларнинг ярмидан кўпи тошпириқни бажара олмаган, ҳар туртган бит-

таси йилни зарар билан якунлаган эди. Буни қандай баҳолаш мўшкул?

Пахтачиликдаги, умуман деҳқончиликдаги бу салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлмоқда?

Бунинг сабабларини мамлакатимиз раҳбари қуйидагича изоҳлади:

Биринчидан, кузги ва қишқи дала ишларини ташкил қилишда етарли эътибор берилмапти. Ерни кузда шуғорлаб қуйишда хикмат катта эканлигини деҳқонлар яхши билдилар. Вилоятда бу муҳим тадбир четта суриб қуйилмоқда. Айниқса, Мирзачул, Арнасой, Дуслук ва Зомин туманларида бу муҳим ишга умуман эътибор берилмапти.

1995 йилги ҳосилга тайёрланиш қурилиши пахта майло-нинг 80 фоиз баҳорда шугор қилинди. Натижада ҳосилдорлик пасайиб, еринг унумдорлиги йўқолди. Деҳқонча қилиб айтганда ер ишдан чиқди. Бундай нуқсонга 1996 йилда ҳам йул қуйилди. «Ер ҳайла-санг — куз ҳайла, куз ҳайлама-санг — юз ҳайла», деган нақлни вилоят ва туман раҳбарлари унутганга ухшайди.

Ер ўз вақтида ҳайдалмай, бир қисми баҳорга қолиб кетмоқда. Шу ҳолатда қандай юқори ҳосил ҳақида гапириб мўшкул? **Боқимадалик, ўзибўричлик, эгасизлик қачонгача давом этади?** Масъулиятсизлик — раҳбар учун иллат! Бундай қайғиришга юрганларни аллақачон тартибга қачириш вақти келган, деб уйлайман.

Иккинчидан, ерининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш буйича тадбирлар қонқарсиз эканлигини алоҳида таъкиллаб ўтиш зарур. Сугорилмаган ерларнинг асосий қисми шугорлаган.

Шу урида Президент йил (Давоми 2-бетда).



ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Чортоқ тумани зарпунослари йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарганликлари тўғрисидаги га-лаба рапортга имзо чекидилар. Зарпунослар гузаларни агротехника қондалари асосида парварниш қилишганлиги, талбиркорлик, удлабуронлик билан иш туганликлари ўз натижасини берди. Ҳар гектар майдондан 33 центнердан оқ олтин йиғиштириб олинди. «Чортоқ», «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги», «Дуслук, Навоий номи», «Галабанинг 45 йиллиги», «Ойқирон» жамоа хўжаликлари галаба муносиб ҳисса қўшдилар.

Баъзи бригадаларда ҳосилдорлик янада юқори бўлди. Масорат Усмонова, Абдували Раҳимов, Қучқорбой Паттаев, Мирзачул Қорабоев, Муҳаммадали Ғиёсов, Еқубжон Усмонов бошлиқ бригадаларни шулар жумласига кири-тиш мўшкул. Мазкур жамоаларда 43-52 центнердан оқ олтин етиштирилди. Муваффақиятда чевар теримчиларнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.

Ҳали далаларда ҳосил қул. Терим суръати бир зум ҳам сусайгани йўқ. Мавсумда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йили йиғим-теримни уюшқоқлик билан утказиш тўғрисидаги қарори дастур вазифасини утамоқда. Барча иш қу-чи, транспорт воситалари, имкониятлар ишга сафарбар этилган.

— Жорий йил деҳқонларимиз учун ҳақиқатда баракали келди, — дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты Турсунбой Пулатов. — Барча тармоқларда маҳсулот етиштириш буйича тузилган шартномалар ошиги билан уддаланди. Энг муҳими, етиштирилган маҳсулотларнинг қарийб ҳаммаси олий навларга топширилмоқда. Айниқса, галабанинг юқори натижаларга эришилди. Белгиланган тошпириқ 116 фоиздан ошириб уддаланди. Қишлоқ хўжалигидан 544, 5 ми-ллион сум даромад олишни мўшкуллаб турибмиз.

Дарҳақиқат, туман қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари жадал ривожланишти. Пахтакорлар суръатни бўшаптирмай, даладаги мажбул ҳосилнинг ҳаммасини йиғиштириб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. КАРИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Касби туманидаги С. Насафий номи жамоа ширкат хўжалигида жорий йилда мўл ҳосил етиштирилди. Белгиланган режа уддаланиб, мажбурият ҳисобига пахта тошпирилмоқда. Тайёрланган оқ олтиннинг асосий қисми юқори сортларга тошпирилди. Баъзи бригадаларда ҳосилдорлик 40 центнердан ошди. Айниқса, Аҳмад Абдухалилов, Комил Иброҳимов бошлиқ бригадаларда кўрсаткич янада юқори.

Суратга: бригада бошлиқлари (чапдан) Аҳмад Абдухалилов, Комил Иброҳимов, илгор теримчи Олмаҳон Абдухалилова ва механизатор Шоқир Маматқуловлар ҳосил чўғидан мамнун.

З. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Ҳирмонга барака

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1996 ЙИЛ 28 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ (Режага нисбатан фойз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан
Андижон	0,69	97,90
Хоразм	0,80	89,44
Сурхондаре	0,81	85,63
Бухоро	0,61	84,01
Қашқадаре	0,71	83,70
Самарқанд	0,79	79,76
Навоий	0,59	79,60
Тошкент	1,45	79,42
Наманган	0,93	74,28
Фарғона	0,66	72,55
Қорақалпоғистон	—	—
Республикаси	0,62	57,14
Сирдаре	0,66	53,19
Жиззах	0,58	50,33
Республика буйича	0,76	76,38

ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА

	(тонна ҳисобида)	
Сурхондаре	668	38577
Қашқадаре	193	14756
Наманган	—	—
Республика буйича	861	53333

ҚУШ ХАБАР

Навбам мажбуриятга

Касби туманидаги «Қашқадаре» жамоа-ширкат хўжалиги пахтакорлари йиллик тошпириқни уддаладилар. Ҳозиргача давлат қабул пунктларига 7650 тонна қимматбаҳо саноат хом ашеси тошпирилди. Галабада чевар теримчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Сарвинисо Баҳорова, Мавдула Азизова, Зулфия Тухтаева, Гулчехра Абдуллаевларнинг ҳар бири хирмонга 7-8 тоннадан оқ олтин туқли.

Хўжаликда имкониятлар ҳисоблаб чиқилиб, давлат қабул пунктларига яна 800 тонна оқ олтин тошпиришга қарор қилинди.

З. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Яккабоғ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари давлат қабул пунктларига 1800 тонна оқ олтин тошпириб, йиллик режани уддаланганликлари тўғрисида галаба рапортга имзо чекдилар.

Режа уддаланган булса-да, терим жадал давом этаптир. Хўжалик аъзолари давлатга яна 480 тонна оқ олтин тошпиришмоқчи.

Х. ТўРАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ш. М. МИРЗИЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ;

Шавкат Миромонович Мирзиёев Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1996 йил 25 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А.Х. ТОШКЕНБОВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Холмуродович Тошкенов бошқа ишга утганлиги муносабати билан Жиззах вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1996 йил 25 октябрь

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

28 октябрь куни Гулистон шаҳрида халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлари, бир қанча вазирликлар, республика идора ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала қурилди. Фуломқодир Ҳасанов бошқа ишга утгани муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент

Ислам Каримов тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари — Вазирлар Маҳкамаси истиқболли белгиланган статистика давлат қўмитасининг раиси лавозимини ишлаб келаётган Уктам Исмоилов Сирдарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президент Ислам Каримов сессияда нутқ сузлади. Юртбошимиз Сирдарё вилояти мамлакат халқ хўжалигида узига хос урин тутишини, улкан ишлаб чиқариш им-

кониятларига, деҳқончилик ресурсларига, саноат ва қурилишнинг бой тажрибасига эга эканини, бу ерда қуриқда деҳқончилик қилиш мактаби яратилганини таъкиллади.

Лекин кейинги йилларда Сирдарё вилоятида халқ хўжалигининг қул соҳалари буйича қолоқликка йул қуйилмоқда. Пахта тайёрлаш тошпириқи 1992 йилдан буен бажарилмаптир. Бебаҳо бойлигимиз — ерга эътибор сусайиб кетган. Бунинг оқибатида ута шўрланган ер-

лар миқдори икки марта ортди. Бу йил ҳар гектар ердан олинган гала ҳосили уртгача 16 центнерни ташкил этди, холос. Узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка етиштириш тошпириқлари ҳам бажарилмади.

Бундай вазият билан зарур чора-тадбирлар қуришни тақозо этади, деди давлатимиз раҳбари. Чунки вақт қутиб турмайди. Сирдарёликлар азалдан меҳнатқаш, заҳматқаш, қийинчиликларни ен-

гиб урганган. Эндиги вазифа бор имкониятларни чамалаб чиқиб, мавжуд омилларни ишга солиб, йул қуйилган хатоларни бартараф этишдан иборат.

Сессия ишида республика Бош вазирининг биринчи уринбосари И. Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Фуломов, Бош вазир уринбосари Р. Гишиятуллин қатнашди.

(УзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ҳ. Қ. Исмоиловни Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ;

Уктам Қучқорович Исмоилов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1996 йил 28 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ҳ. Қ. Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг уринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истиқболли белгиланган статистика давлат қўмитасининг раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида

Уктам Қучқорович Исмоилов бошқа ишга утганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истиқболли белгиланган статистика давлат қўмитасининг раиси вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1996 йил 28 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ҳ. Б. Ҳасановни Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида

Фуломқодир Ботиралиевич Ҳасанов бошқа ишга утганлиги муносабати билан Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1996 йил 28 октябрь

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Биз бир вақтлар пахтанинг сунги мисқолига янгиштириб оламиз, дея ёзин-сочинли кунларда ҳам ўзимизга тинчлик бермадик. Ақл билан қараганда бизга даромад келтирадиган олий нав пахта керак. Бахтга қарши уша пайтларда кундан-кун ҳашарчилар еллаб, ортиқча маблағлар сарфлаб сифатини йуқотган хосилни йиғиштирдик. Бундан кимга фойда, кимга зиён эканлиги билан кўпчилик қизиқмади. Режа бажарилиса бас, шунда ҳамма мақтов бизники эди. Лекин йиллик режани 120 фоизга ало этган жамоам ҳар тузукрок даромад қилишолмасди...

Мустанқил шарофати туфайли широбозлик, дабдабозлик, сохта оғру кетидан қувши барҳам топди. Иқтисодий масалаларига эътибор қучади. Шу тўриқа изланиш туфайли пахтачиликда янги технологияга қўл урилди. Хўш, «Андижон тажрибаси»нинг афзал томонлари нима? Аввало пленка остида ҳарорат яхши сақланади. Шу боис чигитни одатдагидан 10—15 кун олдин экиш мумкин. Олдий усулда қалалган чигит 7—10 кунда униб чиқса, пленка остидаги 4—5 кунда деҳқон қурашни қувватиб буй кураатади. Олдий усулда бир гектарда кўпи билан юз минг тўп қўчат устирилади, янги технология қўлланган майдонларга икки юз минг тўп қўчат экиш жойлаштириш мумкин экан. Мана шунинг узие ҳосилдорлигини 1,5 барабар оширади. Ихлос билан ишлаганлар ҳар гектар ердан бемалол 60 центнердан хирмон кутарилади.

Истиқболли усул шарофати билан икки барабар сув кам сарфланди. Боиси пленка тузукрокдаги намни узок вақт сақлаб туради. Талбиркорларимиз экинга тург маротаба оби ҳаёт тарадди. 28 фоиз уғитни тежадди. Гуза шу вақтгача 8—9 марта чопиқ қилиб келинган бўлса, янги шароитда уч марта чопиқ қилинди.

Шунинг ҳисобидан қанчалан-қанча ениги тежадди, меҳнат сарфи озади. Яна бир афзал томонларидан бири пленка шароитида бегона ўт бош кутаролмас экан. Пахта одатдагидан 20—25 кун аввал етилади. Ҳатто энг кеч ишлаган «Бухоро—6» чигит нави ҳам пленка остида юқорида кўрсатишган муддатларда етиларкан.

Уям етакчилик қилаётган «Навбахор» жамоа ҳужалигидаги бригада бу йил 34 гектарга пленка остига чигит экиди. Қаранг, 10 сентябрь кўни теримга тушди. Биринчи теримдақ ҳосилдорлик 37 центнерни ташкил этди. Сунги гектарлардаги ҳосил саранжомланаётганда бу курсаткич 50 центнердан ошганди.

Олтинқул туманининг энг тажрибали деҳқонларидан бири Сиёсатхон Абдуллаева бу борада кўпчиликка намуна бўлди. Унинг жамоасида 13 апрелда ерга қадалган чигит бир текис униб, гуза барқ уриб ривожланди. 27 июлда қўсақлар тула етилиб, чарақлаб очилди. Экин олатдаги усулда парварини қилинган майдонларга нисбатан ҳосилдорлик 15 центнер юқори бўлди. «Андижон тажрибаси» ҳаётда узини оқлади. Энди муаммони томонларини иложи борича тезроқ ҳал этиш лозим. Аввало, махсус сеякларни қўллаб ишлаб чиқариш даркор.

Бозор шароитида ҳужалиқларнинг раҳбарлари, мутахассислари ҳисоб-китобни пухта билишлари жуда зарур. Қаранг, биринчи навага сотилган пахта билан 3-навинг хариб нарҳидати фарқ деярли 6 минг сўмни ташкил этади. Олпоқ очилиб турган момик бир емгирдақ унчини навага айланиши мумкин. Шунинг узидан «Андижон тажрибаси»нинг нақадар қимматлигини қўриш мумкин.

А. УМАРОВ,
тажрибакор, Асака тумани.

МАВСУМ КАХРАМОНЛАРИ



Андижонликлар асл деҳқон — Олтинқўлдаги «Намуна» жамоа ҳужалиги бригадирини Сиёсатхон Абдуллаева номини зўр ҳурмат ва фахр билан тилга оладилар. У янгиликка дадил қўл уриб, истиқболли технологиянинг афзалликларини намойиш этди, юқори кўрсаткичлардан бирига эришди.

Избоскан туманидаги «Чўнгбоғиш» жамоа ҳужалиги заршунослари мамлакатда биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш режасини бажаришганди. Бунда ташаббускор заршунос Мурод Йўлдошевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Расом Махмуд Жўраев.

БИРИНЧИ ТЕРИМДАЁҚ 50 ЦЕНТНЕР

Уша воқеа сира эсимдан чиқмайди. Баҳор серегин келди. Чигит экиш кечикди. Бироқ оламларимизни биласиз, улар нима қилиб бўлса-да, куза юз ерут бўлиши учун кечаю кундуз тиним бидишмади. Саккиз нафар тажрибакор шийлонда тунаб, тунги сугорини назорат қилди. Отақонларимизнинг таъкидлашлари-ча уша йили бригадамиз заршунослари бўлмайдиган ишни бўлдиришди. Ҳосилдорлик 5 центнерга ошиб режа 110 фоиз ало этилди. Лекин йил натижалари бўйича ҳисоб-китоб қилинганда қўлимизга олган пулнинг баракиси йўқ эди. Ушунда тушуниш-ки, пахтачиликда бошқа йўлдан бориш керак.

Бир кўни ҳужалигимизга вилоят ҳокими ташриф буюрди. У далаини узидан баъзи муаммоларимизни ҳал этди. Сунг чигитни пленка остига экиш усулини қўллашни маслаҳат берди. Мутахассислар унинг афзал томонларини бирма-бир тушунтирдилар.

Кўпчилик қизиқиб қолди. Деҳқончиликдаги янги технологияни кўн билан ургандик. Ҳал қилувчи дамларда олимларни даламизга тақриф этдик. 82 гектар ерда чунонам ҳосил етилдими, қўларинга ишонмасдик. Узок йиллик меҳнат фаолиятим давомида бундай ажойиб манзарани биринчи қўришим эди. Одамларимизга раҳмат, ҳар бир талбирни вақтида оби-тобида амалга оширишди. Ҳамма йигим-теримни сабрсизлик билан кутарди. Ҳосил бўлиқ, бунинг устига сифати юқори. Мумай даромад олиш тайин эди. Сўрғат ниҳоятда юқори бўлди. Биринчи теримдақ гектарига қарий 60 центнердан оқ олтин йиғиштириб олдик. Янги усулнинг афзаллиги жуда кўп. Чиким қамайди, ҳосилимиз 26 кун эрта етилади. Қизгин дамларда кўнига йиллик режанинг 10 фоизи миқдорда қимматли хом аше топширдик. Сунги гектарлардаги оқ олтин саранжомланаётганда ҳосилдорлик гектарига қарий 60 центнерга етганди. Қўриниб турибдики, «Андижон тажрибаси» узини оқлади. Янги технология вилоят бўйлаб кенг жорий этилганда бошқа экин турлари учун қўшимча ер майдонлари ажратиш имконини яратилади. Ҳозирги кўнда номлари энди кўпчилик урғисидан алоҳида ҳурмат билан тилга олинаётган ташаббускор деҳқонларнинг тажрибалари республикага кенг ёйилмоқда. Бу билан биз — андижонликлар ҳақли равишда фахрланамиз!

А. КОДИРОВ,
Шахрихон туманидаги Т. Саримсоков номли жамоа ҳужалиги бригадаси бошлиғи.

ЮРТМИЗ улуглари пахтачиликни ривожлантиришга катта эътибор беришмоқда. Бир нараса кишини руҳлантиради: сансалорлик, дабдабозлик барҳам топди. Барча ҳужалиқларда халқни бой қиладиган, дастурхонини тукин-сочин этадиган аъло нав пахта етиштириш, давлатга юқори сифатли хом аше етказиб бериш йўлида аниқ талбирлар амалга оширилмоқда.

БЕШ ЮЗ НУРОНИЙ ҲИССАСИ

Деҳқонларимизга балли, бу йилгидек барақали ҳосилни камдан-кам курганман. Бебаҳо бойликни вақтида саранжомласак ўзимизга ҳам, давлатга ҳам катта фойда. Шу боис Избоскандаги «Шарқ юлдузи» жамоа ҳужалигининг 500 нафар меҳнат фахрийси ҳаммат курсатиб далага отланди. Арғамчиға қил қувват деганларидек, гайратимизни курган бошқа теримчилар ҳам сўрғатга сўрғат қўшишди. Узим эски қалдроним Соғиболди Ғаниев билан қизгин дамларда кўнига 90 килограммгача ҳосил йиғиштирдик. Куч бирликда, ҳамқору ҳам-жиздатликда. Улкан оқ олтин хирмонларидан биз — нурунийларнинг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Турсунқул бобо АХМЕДОВ, меҳнат фахрийси.

АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ

Ўрганнинг, қўлланнинг

Ўзбекистон асосий пахта етиштирувчи давлатлардан бири сифатида бу соҳани янада ривожлантириш учун кўп куч-ғайрат сарфламоқда. Айни пайтда пахтачиликда фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд.

(Ўзбекистон Президенти Ислоом КАРИМОВнинг пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлисида сўзлаган нутқидан).



ЮКСАЛИШ ОЙНАСИ

- Беш йил ичида вилоят қишлоқ ҳужалигида пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига унинг ҳажмларини камайтирмаган ҳолда бошқа муҳим экинлар етиштириш бир неча марта ошди. Ҳусусан, дон етиштириш 3 марта, картошка 3,6 марта кўпайди.
- Вилоят бўйича ўтган йили қишлоқ ҳужалиги тизимида 554 миллион 95 минг сўм соф даромад қилинганди. Янги технология шарофати туфайли бу йил мазкур кўрсаткич янада қувончли бўлиши кутляпти.
- Жорий йилда 15 километрли Андижон-Асака сув йўли ва 33 километрли Кува-Асака газ йўли қурилишлари ниҳоятга етказилди.
- Сўнгги йилларда 2 та йирик қозонхона, ерости сувларини қочирини учун 27 та тик қудуқлар қўриб битказилди.
- Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 70,1 фоиздан 73 фоизга, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса 26 фоиздан 51 фоизга орди.
- Вилоят халқ ҳужалиги тармоқларида 65 мингдан ортиқ ишчи ўринлари яратилди.

ФАХРЛАНАМАН

Бу йилги пахта мавсуми энг омадчилардан бири бўлди. Қалдронларим — марҳаматлик деҳқонлар мамлакатда биринчи бўлиб зафар маррасини эгалладилар. Бунда «Пахтакор» жамоа ҳужалигимиз заршуносларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу ердаги ҳар бир жамоа уз садоқатини амалда намойиш этди. Масалан, Жураҳон Ҳамламов бошлиқ бригада гектар ҳосилдорлигини 40 центнердан оширди. Унинг мусобақадоши Тоҳиржон Зокиров бошлиқ жамоа эса йиллик режани 135 фоизга бажарди. Соф фойда ҳар қачонгидан кўп бўлиши қўтиляпти. Муваффақиятга эришшида «Андижон тажрибаси»нинг аҳамияти катта бўлди.

Катта хирмонда менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам бор. Дугоналарим билан сидқилдил тер тукиб мавсумда 8 тонна оқ олтин йиғиштириб бердим. Энди асосий эътибор галлачилик ва чорвачиликка қаратилди.

Т. НУРМАТОВА, теримчи.

Қалби пахтасидек оқ, меҳнати она сутидек ҳалол, нияти холис, бегубор Андижоннинг танти пахтакорлари республикамиз оқ олтин қарвонига сарбонлик қилаётдилар. Улар бу йил мардондор меҳнат қилиб, талбиркорлик билан йўл тутиб ўзбек пахтачиликда янги мактаб яратдилар. Илоо, андижонликлар йўл деҳқонни юксалиш, ривожланишининг порлоқ манзилига бошдағай.

СУРАТЛАРДА: 1. Андижон пахтакорларининг ишжаоитига ой ҳам ҳайратда. 2. Ҳар бир оқ олтин хирмони мамлакатимиз иқтисоди устуни.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



ҚУГЛОВ ОМАД ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАДИ

Интиланган толе ер, деб бекорга айтишмайди. Заршунослар эришилган натижалар билан қифояланмай йиллар мобайнида изландилар. Илгорлар тажрибаси, фан ютуқлари, чет эл деҳқончилик тажрибаси амалиётга дадил жорий этилди. Баъзи тажрибакорлар иш манфаати йўлида таваккал қилишдан қўчишмади. Ҳар қарич ер эъзозланди, сувдан, уғитдан тежаб-тергаб фойдаланилди. Асосий эътибор эртаги ва сифатли ҳосил етиштириб, иложи борича кўпроқ соф фойда олишга қаратилди. Мақсадга эришишда чигитни пленка остига экиш усулининг аҳамияти катта бўлди. Янгилик шарофати ҳамда тармоқда тула сафарбарлик таъминланганлиги мурода етказилди.

Ҳаётнинг ўзи яхши муаллим. Элим, юртим деб ениб-жушиб ишлаган асло кам бўлмайди. Бунг узим, шогирдларим фаолияти мисолида ҳам қўриш мумкин. 28 йилдан буен бригадирлик қилиб келмоқдаман. Ана шу давр мобайнида турли соҳаларни ривожлантириш ишига озми-кўпми ҳисса қўшдим!

Бир кўни нуфузли йиғилишда галла мустанқиллигига эришини ҳусусида қизгин гап борди. Сузаг чиққанлар бу муҳим ишнинг аҳамиятини дунда тушунтирдилар. Икки кун утган ҳужалигимиз раҳбари ана шу долзарб масала юзасидан фикрларини баён этиб, хайрли ишга бош-қош бўлишимни сўради. Бир гуруҳ талбиркор, ташаббускор деҳқонлар билан ишга киришилди. 161 гектар ерда галла етиштирилди. Ҳосилдорлик биринчи йили гектарига 41,1 центнерни ташкил этди. Бурюни йили эса дон майдонлар 227 гектарга етди. Экинни сугорини, озиқ-лантиришга ута масъулият билан ендошдик. Илгорлар тажрибасидан иложи борича унумли фойдаландик. Натيجا қўтилгандан ҳам яхши бўлди. Гектаридан 54 центнердан бошқоқ дон олдик.

Жорий йилда эса 3 Шахрихондаги «Олтин сувдан» ҳужалигида 315 гектарга сара уруғ сепилди. Ғалбир вудан кутаришда хурсандчилигимизнинг чеки йўқ эди. Чунки ҳосилдорлик гектарига 68 центнердан ошган эди. Мамалани Мансуров, Дилшод Овулов, Муҳиддин Исмоилов, Фахриддин Соҳидов етакчилигидаги ижарачилар бу курсаткични 71 центнерга етказдилар. Бебаҳо бойлигимизни саранжомлаб олишда қудратли «Кай» комбайнлари бизга маллоқор бўлди.

Ҳаётимда қувончли воқеа содир бўлди: галлачиликни ривожлантиришга қўшган камтарин хизматларим учун Ўзбекистон Республикасининг фармонига кура Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим. Ҳис-ҳақдонимни сўз билан ифода қилиш мумкин. Ватаннинг юксак мукофоти Андижон деҳқонларининг фидойи меҳнати билан берилган юксак баҳодир! Заршуносларимиз учун унутилмас кўнларда дилдагит энг самимий ниғтиларимизни изхор этамиз. Хирмонингиз юксалиб, юзигиз ерут бўлаверини!

СОДИҚОН АБДУРАСУЛОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Саҳифани тайёрловчи Мирғибё КАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

УНУТИЛМАС КҮН

У узига таниш йўлдан дала томон олдимаб бораркан, ен атрофда меҳр билан боқадди. Нақадар азиз унга бу ерлар! Боғлар, пахтазорлар қалбини жунбушга келтиради. Одамларни айтмайсизми: ута меҳнатсевар, камсуқум, ориятли. Асалхон опа зафардон дарахт барглари билан боғиб, ҳаёл оғушида шийпонга яқинлашганини сезмади. Тойназар отанинг бирин-кетин сайраётган беданалари хаёлини узига келтирди. Иноқ жамоа режани бирин-кетин сайраётган беданалари хаёлини узига келтирди. Иноқ жамоа режани бирин-кетин сайраётган беданалари хаёлини узига келтирди. Иноқ жамоа режани бирин-кетин сайраётган беданалари хаёлини узига келтирди.

Лавҳа

шунди. Даромад қўтиладек эмас. Ҳали ҳам деҳқон қўлидаги беш-олтита молита суяни орзу-ҳавас қилаяпти. Демак, режа эмас, соф фойданинг кетидан қувши керак.

Бригадир тажрибали деҳқон Шаҳобиддин Жураевга маслаҳат солди.

— Молдий манфаатдорлик таъминланмас экан, қўзланган мақсадга тулиқ эришиб бўлмайди, — деди миришкор ваэмин оҳангда. — Боз устига яна бир муаммо бор: ҳар доним ҳам сифатли урултиқ чигитга эга бўлаётганимиз йўқ. Эрта баҳорда ота-бобомиз улумига амал қилиб катта тоғорадаги сувга бир сикми барака уруғи ташладим. Ярми сув бетига қалқиб чиқди. Демак шунча си пуч экан. Бошқа ердан уруғ келтирдик. Агар уша чигитни экканимизда борми кузда ер чизиб қолардик. Асалхон Расулова ҳамсуҳбатининг фикрларини берилиб тинлагач, уни савола тулди.

— Пленка остида чигит экиш усулини қўласак, қандай бўларкин?

Шаҳобиддин ака уни биринчи бор қўраётгандек хайрат ила тикилди.

— Бир иш чиқшига ишончингиз қомилми?

— Албатта. Ҳаммасини пухта уйладим. Вилоят ҳокими, мутасадди кишилар янги технология уялтирмайди, деб бекорга айтишмаётган бўлса керак.

— Ранс нима деркин?

— Мамажон ака Ҳамроев ниҳоятда талабчан, ҳар ишни амалга оширишда етти улчаб бир кесди. Бироқ биргалашасак уни ипонтира оламиз.

Янгилик узига осонликча йўл очмайди. Сугорини, экинни уғитлаш ва бошқа талбирлар камидат тенг ярмига қисқариши баъзи етакчиларни уйлантириб қўйди. Деҳқонларнинг ойлиги қамайиб кетали, деган фикр қўларини боғлаб қўйди. Кейинчилик улар уларнинг соддаликларидан уялиб юришди...

Омилкор, талбиркор ва ташаббускор деҳқонларнинг саъй-ҳаракати билан Олтинқул туманидаги «Намуна» жамоа ҳужалигида 109 гектар майдонга чигит пленка остига экилди. Асалхон Расулова, Шаҳобиддин Жураев ва бошқалар деҳқончиликда янги истиқболли технология афзалликларини тулиқ намоён қилиш учун қаттиқ меҳнат қилдилар. Сарф-харажат қамайди, бегона ўт бош кутармади, гуза барқ уриб ривожланди. Пировад натижада ҳеч бўлмаган воқеа — қўсақнинг табиий очилиш жараени 26 июлда кузга ташланди. Қувончли воқеанинг овозаси республика бўйлаб тарқалди. Асалхон ошанинг қувончи чексиз эди. Негаки, ҳосилдорлик гектарига камидат 50 центнерни ташкил этди. Бойликни нари борса сентябрь ойининг урталарида саранжомлаб олиш мумкин. Хомашенинг ҳаммаси юқори навага утказилди, соф фойда ҳар қачонгидан кўп бўлади. Бу қадқоқул деҳқон қанча вақтдан буен орзу қилган дамлардир.

Тажриба муваффақиятли синовалдан утиб, бошқалар қатори Асалхон Расуловага ҳам катта омад, муваффақият келтирди. Унинг даласига хурматли Президентимиз ташриф буюриб заршунослар фаолиятига юқори баҳо берди. «Андижон тажрибаси»ни урганиш уни кенг жорий этиш юзасидан қимматли масалаҳатлар берди.

— Қувончимнинг чеки йўқ, — деди Асалхон опа. — Юртбошимиз тапширфи, самимий сўзлари барча-барчамизни янги ютуқлар сари чорлади. Изланиш давом этмоқда.

